

**«Наврўз деҳқон бозори» АЖ Кузатув Кенгашининг
мажлис баёни**

2025 йил 24 ноябр

Тошкент ш.

Мажлисда катнашган Кенгаш аъзолари:

Кенгаш раиси

К.Расулов - "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК бош директори ўринбосари

Кенгаш аъзолари:

А.Раззаков – "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК бош директори

А.А.Акрамов – "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК етакчи мутахассиси

Т.Иброхимов– "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК бўлим бошлиғи

Т.Камолов– Акциядор

Мажлисда жами 5 кузатув кенгаши аъзолари (100%) қатнашмоқда, мажлис ўтказилиши ҳуқуқига эга.

Таклиф этилганлар:

О.Машарипов- Жамият директори

Х.Олимов - Жамият бош ҳисобчиси.

Д.Шоназаров- Жамият кимматли коғозлар мутахассиси.

Мажлис кун тартиби:

1. «Наврўз деҳқон бозори» АЖ директорининг 2025 йил 3-чорак якуни бўйича «Бизнес режа» кўрсаткичлари бажариллиши тўғрисидаги ҳисоботи
2. Жамиятнинг 2025 йил 3 чорак якуни юзасидан балансини тасдиқлаш
3. Жамиятнинг 2026 йилга режалаштирган "Бизнес режа" сини куриб чиқиш.

Мажлисни Кенгаш раиси К.Расулов олиб борди.

Мажлис кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича «Наврўз деҳқон бозори» АЖ директори О.Машариповнинг 2025 йил 3-чорак якуни бўйича «Бизнес режа» кўрсаткичлари бажариллиши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Жумладан: жамият йилнинг 9-ойлик сметасининг жами даромад 12.603,0 млн сум режа даромад, 12.948,0 млн сум этиб бажарилгани, соф фойда режаси 2.495,6 млн сум ўрнига 2.161,0 млн сум этиб бажарилгани, соф фойда режаси 334,6 млн сумга бажарилмагани ва бунинг сабабларини тушунтириб утди.

Жамиятда асосий воситалар эскириши ва кўзда тутилмаган жорий таъмирлаш харажатлари ошиб кетганлиги, ушбу курсаткичларни йил якуни бўйича бартараф этилишини маълум қилди.

Шунингдек, жамият раҳбари ишларни сусайтирмай тасдиқланган смета кўрсаткичларини амалда бажаришга барча чоралар кўрилиши ҳамда йил якуни бўйича аввал йул қуйилган камчиликларни бартараф қилинишини маълум қилди.

Курилатган масала буйича кенгаш аъзолари томонидан берилган саволларга жавоблар олингандан сунг, жамият томонидан қабул қилинган режалар бажарилиши шarti билан ҳисобот қабул қилиниши ҳақидаги қарорга келинди.

Мажлис кун тартибидаги **иккинчи** масала буйича жамият бош ҳисобчиси Х.Ж.Олимов сузга чиқиб, жамиятнинг иккинча чорагида олинган даромадлар ва қилинган харажатлар ҳисобот бериб, 2025 йилнинг учинчи чорак якуни буйича тайёрланган баланси билан йиғилганларни таништирди.

Баланс нусхаси илова қилинади.

Мажлис кун тартибидаги **учинчи** масала буйича «Наврўз дехқон бозори» АЖ директори О.Машарипов 2026 йил буйича тайёрланган «Бизнес режа»си билан йиғилганларни таништирди.

(2026 йилга ишлаб чиқилган “Бизнес режа” тўлалигича илова қилинади)

Жамиятнинг 2026 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ маъқуллансин. Жамият директори (О.Машарипов)га «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш кўрсатиладиган хизматлар ҳаққи миқдори ўзгарган тақдирда, мазкур «Бизнес режа»га ҳам ўзгартиришлар киритилиши инобатга олинсин.

Кун тартибидаги масала муҳокама этилиб Қарор қилинди.

1. Жамият директори О.Машариповнинг 2025 йил 3 чораги якуни буйича ҳисоботи, қабул қилинган режаларни йил якуни буйича бажарилиши шarti билан қабул қилинсин.
2. Жамиятнинг 2025 йил 3 чорак якуни юзасидан баланси тасдиқлансин.
3. Жамиятнинг 2026 йилга режалаштирган “Бизнес режа”си иловага мувофиқ маъқуллансин ҳамда тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси кун тартибига киритилсин.

Мажлис раиси:

 К.Р. Расулов

Котиб:

 Д.Шоназаров.

Мажлисида катнашган Кенгаш аъзолари:

А.Раззоқов

А.А.Акрамов

Т.С.Иброҳимов

Т.Камолов

